**«QO’QON BIOKIMYO» АЖНИНГ 2020 ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА:**

**«Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси» ДУК томонидан 2021 йил 17 мартдаги 11-1262 сонли хати билан жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисоботи, хулоса ва корпоратив бошқарув тизимини самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар тақдим қилинди.**

**Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси (ҳозирда Давлат активларини бошқариш агентлиги) ва Корпоратив бошқарув илмий таълим маркази (ҳозирда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби) томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган саволнома асосида ўтказилиб, унинг натижа “юқори” бўлиб, 924 баллни ташкил этган, яъни 77%.**

**Баҳолаш натижалари бўйича қуйидагилар аниқланди:**

| Кодекс тавсияларига риоя қилинмаган йўналишлари | Тушунтиришлар |
|---|---|
| **Жамият томонидан акциядорлар умумий йиғилиши электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда) овоз бериш, шунингдек умумий йиғилишни видеоконференц алоқа усулида ўтказишни тартибга солувчи ҳамда АЖ бошқарув ва назорат органлари маърузаси (ҳисоботи) матни ва шаклларига талабларни белгилайдиган ички тартиб (регламент) ишлаб чиқилмаган.** | - Акциядорлар умумий йиғилиши электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда) овоз бериш, шунингдек умумий йиғилишни видеоконференц алоқа усулида ўтказишни тартибга солувчи ички тартиб (регламент) ишлаб чиқиш устида ишланмоқда.<br>- 2020 йил 20 июнда бўлиб ўтган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида «QO’QON BIOKIMYO» AJ нинг бошқарув ва назорат органлари маърузаларининг шакли ва мазмунига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низоми тасдиқланган. |
| **Ижроия орган раҳбари ва аъзоларини танловини ўтказиш тўғрисидаги эълон матни чоп қилинмаган.** | 2020 йилда Ижроия орган раҳбари ва аъзоларига танлов ўтказилмаган. Ижроия органи раҳбари ва аьзолари бизнес-режани бажарилишига баҳо берган ҳолда Кузатув кенгаши томонидан сайланади. |
| **Жамиятда сифат менежменти тизими бўйича халқаро орган томонидан бериладиган халқаро сертификат олинмаган.** | Жамиятда томонидан O’z DSt ISO 9001:2015 ва O’z DSt ISO 22000:2009 сифат менежменти тизимлари бўйича Ўзбекистон бўйича амал қиладиган миллий сертификат олинган. |
| **Жамият сайтида фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларнинг шарҳлари ва прогнозлари мавжуд эмас.** | Фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларнинг шарҳлари ва прогнозлари эълон қилингандан сўнг жамият сайтига жойлаштириш кўзда тутилган. |

QIMMATLI QOG'OZLARNING MARKAZIY DEPOZITARIYSI DAVLAT KORXONASI

100170, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Mirzo-Ulug'bek tumani, Mustaqillik shoh ko'chasi, 107.

STATE ENTERPRISE CENTRAL SECURITIES DEPOSITORY

107, Mustakillik avenue, Tashkent city, 100170, Republic of Uzbekistan

Tel: 998 (71) 267-35-92, (71) 267-37-42. Internet: www.deponet.uz, e-mail: info@deponet.uz
Hisob raqami (the settlement account): 20210000604014949001, «Ipak yo'li» AITB Mirobod filiali, MFO 01101, INN 203021987, OKONX 96190

2021 у. «17» март №11-1262 «____» ________ 20___ г.

## «Қўқон биокимё» АЖ корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш тўғрисида

## ХУЛОСА

| | |
|---|---|
| Қайси корхона учун тайёрланди | “Қўқон биокимё” АЖ |
| Юридик манзил | 150700, Фарғона вилояти, Қўқон ш., Муқимий, “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси |
| Банк реквизитлари | “Ўзсаноатқурилишбанки” АТВ Қўқон филиали х/р: 20210 00060 02159 75001<br>МФО: 00531 |
| Қайси корхона томонидан тайёрланди | “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси |
| Юридик манзил | 100 170, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй |
| Телефон/факс | тел: 998 (71) 267-37-42; факс: 267-36-87 |
| Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар | Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома рақами: 000979-03, 02.09.2008 й. |
| Банк реквизитлари | х/р 20210000604014949001, Тошкент ш., АИТБ “Ипак Йули” Миробод филиали, банк коди 01101 |
| Бош директор | Абдужаббаров Шерали Янгибаевич |
| Баҳолашда иштирок этган мутахассисларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми | Хамдамов А., Хайруллаев.Б. |

“Қўқон биокимё” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулоса “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси (кейинги ўринларда – Марказий депозитарий) томонидан тайёрланди.

Марказий депозитарий “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги 263-сонли қарори, Устав хамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширади.

Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ Марказий депозитарий акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга мустақил ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Жамиятда корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил холисона фикрни шакллантириш баҳолашни ўтказишнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси (ҳозирда – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги) ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази (ҳозирда – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби) томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган саволнома асосида ўтказилди.

Марказий депозитарий фақат Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Жамият тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган ҳужжатларнинг, маълумотларнинг ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончлилиги текширилмади ва баҳслашилмади. Баҳолаш амалга оширилгандан кейин Марказий депозитарийга келиб тушган, ёки қандайдир сабабларга кўра тақдим этилмаган ҳужжатлар Марказий депозитарийнинг кўриб чиқиш доирасига киритилмади.

Марказий депозитарий Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли деб ҳисоблайди.

2020 йил якуни бўйича Корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолашнинг натижаси **924 балл**ни ташкил этди ва Марказий депозитарийнинг хулосасига мувофиқ Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси **юқори** деб эътироф этилади.

**Бош директор** **Ш. Абдужаббаров**

QIMMATLI QOG'OZLARNING MARKAZIY DEPOZITARIYSI DAVLAT KORXONASI

100170, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Mirzo-Ulug'bek tumani, Mustaqillik shoh ko'chasi, 107.

STATE ENTERPRISE CENTRAL SECURITIES DEPOSITORY

107, Mustakillik avenue, Tashkent city, 100170, Republic of Uzbekistan

Tel: 998 (71) 267-35-92, (71) 267-37-42. Internet: www.deponet.uz, e-mail: info@deponet.uz
Hisob raqami (the settlement account): 20210000604014949001, «Ipak yo'li» AITB Mirobod filiali, MFO 01101, INN 203021987, OKONX 96190

20____y. «_____» _____________ №11-1262 «17» 03 2021 г.

**ЗАКЛЮЧЕНИЕ**
**о проведении оценки системы корпоративного управления**
**АО «Qo'qon Biokimyo»**

| | |
|---|---|
| Адресовано | АО «Qo'qon Biokimyo» |
| Юридический адрес | 150700, Ферганская область, г. Коканд, Мукими, Свободная экономическая зона «Коканд» |
| Банковские реквизиты | «O'zsanoatqurilishbank» АКБ Кокандский филиал Р/с: 20210 00060 02159 75001<br>МФО:00531 ОКЭД: 20140 |
| Составлено | Государственное предприятие «Центральный депозитарий ценных бумаг» |
| Юридический адрес | 100 170, г. Ташкент, пр. Мустакиллик, 107 |
| Телефон/факс: | тел: 998 (71) 267-37-42; факс: 267-36-87 |
| Сведения о государственной регистрации: | Свидетельство о регистрации № 000979-03 от 02.09.2008 г. |
| Банковские реквизиты: | р/с 20210000604014949001, г. Ташкент, Мирабадский ф-л, АИКБ «Ипак Йули», код банка 01101 |
| Генеральный директор: | Абдужаббаров Шерали Янгибаевич |
| Фамилия, имя и отчество специалистов, принимавших участие в оценке: | Хамдамов А., Хайруллаев Б. |

Заключение по итогам оценки системы корпоративного управления АО «Qo'qon Biokimyo» (далее – Общество) подготовлено Государственным предприятием «Центральный депозитарий ценных бумаг» (далее – Центральный депозитарий).

Центральный депозитарий осуществляет свою деятельность в соответствии сЗаконом Республики Узбекистан «О рынке ценных бумаг», постановлением

Кабинета Министров Республики Узбекистан от 21 мая 1999 года №263 «О вопросах организации и деятельности Центрального депозитария ценных бумаг», Уставом и другими нормативно-правовыми актами.

В соответствии с Кодексом корпоративного управления Центральный депозитарий включен в перечень независимых организаций, которые вправе оказывать акционерным обществам услуги по проведению оценки системы корпоративного управления.

Целью проведения оценки является формирование независимого объективного мнения о состоянии системы корпоративного управления в Обществе.

Оценка системы корпоративного управления в Обществе проводилась на основании Вопросника, утвержденного Госкомконкуренции Республики Узбекистан (ныне – Агентство по управлению государственными активами РУз.) и Научно-образовательным Центром корпоративного управления (ныне – Высшая школа бизнеса и предпринимательства) от 25.07.2016 г.

Центральный депозитарий несет ответственность только за выражение своего мнения о состоянии корпоративного управления в Обществе, сформированного на основании документов, отчетности, сведений и иных материалов, представленных Обществом.

Ответственность за полноту, содержание и достоверность представленных документов, отчетности, сведений и иных материалов несет Общество. Подлинность и достоверность полученных документов, сведений и иных материалов не проверялась и не оспаривалась. Документы, поступившие после оценки или по каким-то соображениям непредставленные Центральному депозитарию, остались за рамками рассмотрения.

Центральный депозитарий подтверждает, что представленные Обществом документы, отчетность, сведения и иные материалы дают достаточные основания для выражения независимого мнения о состоянии корпоративного управления в Обществе.

Количество баллов по результатам проведенной оценки системы корпоративного управления по итогам 2020 года составило **924 балла** и, по мнению Центрального депозитария, уровень системы корпоративного управления в Обществе признается **высоким**.

**Генеральный директор** **Ш. Абдужаббаров**

QIMMATLI QOG'OZLARNING
MARKAZIY DEPOZITARIYSI
DAVLAT KORXONASI

100170, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri,
Mirzo-Ulug'bek tumani, Mustaqillik shoh ko'chasi, 107.

STATE ENTERPRISE
CENTRAL SECURITIES
DEPOSITORY

107, Mustakillik avenue, Tashkent city,
100170, Republic of Uzbekistan

Tel: 998 (71) 267-35-92, (71) 267-37-42. Internet: www.deponet.uz, e-mail: info@deponet.uz
Hisob raqami (the settlement account): 20210000604014949001, «Ipak yo'li» AITB Mirobod filiali, MFO 01101, INN 203021987, OKONX 96190

2021 y. «17» March № 11-1262 «____» ________ 20___ г.

# CONCLUSION
## on assessment of the corporate governance system of JSC "QO'QON BIOKIMYO"

| | |
|---|---|
| Addressed to | JSC "QO'QON BIOKIMYO" |
| Legal address | 150700, Fergana region, Kokand city, Mukimi, "Kokand" Free economic zone. |
| Bank detailes | Settlement account: 20210000600215975001, Uzbek Industrial And Construction Bank" Joint-Stock Commercial Bank Kokand Branch, bank code 00531 |
| Composed by | State enterprise "Central securities depository" |
| Legal address | 107, Mustakillik avenue, Tashkent, 100170 |
| Telephone/fax | tel: 998 (71) 267-37-42; fax: 267-36-87 |
| Data on state registration | Certificate of registration № 000979-03 dated 02.09.2008 |
| Bank detailes | Settlement account: 20210000604014949001, Tashkent, Mirabad branch of JSIC Bank "IPAK YULI", bank code 01101 |
| General director: | Abdujabbarov Sherali Yangibayevich |
| Full name of specialists involved in assessment | Xamdamov A., Xayrullayev B. |

Conclusion on JSC "QO'QON BIOKIMYO" assessment of corporate governance system of JSC JSC "QO'QON BIOKIMYO" (further referred to as JSC) has been prepared by State enterprise "Central securities depository" (further referred to as Central Depository).

Central Depository exercises its activity according to the Law of the Republic of Uzbekistan "On capital market" and Resolution by the Cabinet of Ministers of the

Republic of Uzbekistan № 263 dated May 21, 1999 "On issues of organization and activity of Central securities depository", the charter of the Central Depository and other normative and legal documents.

According to Corporate governance Code Central Depository is included into the list of independent organizations entitled to render services on assesment of the corporate governance system to the joint-stock companies.

The purpose of assesment is formation of independent objective opinion on state of corporate governance system in JSC.

Assessment of corporate governance system in JSC was conducted on the basis of Questionnaire approved by the State committee of the Republic of Uzbekistan for competition (currently-State assets mamangement Agency of the Republic of Uzbekistan) and Scientific and educational center for corporate governance (currently- Graduate School of Business and Entrepreneurship), dated July 25, 2016.

The state enterprise "Central securities depository" is responsible only for expression of its opinon on state of corporate governance system in JSC based on documents, reporting, data and other materials which had been provided by JSC.

JSC is responsible for completeness, content and reliability of provided documents, reporting, data and other materials. Authenticity and reliablity of received documents, reporting, data and other materials are not checked and not appealed. Documents received after assesment or not provided to Central Depository by any reason are beyond the scope of control.

Central Depository confirms that provided documents, reporting, data and other materials by JSC performs sufficient ground for expression of independent opinion on state of corporate governance in JSC.

Based on the assesment of the level of corporate governance system score is **924 points** and according to Central Depository the level of corporate governance system of JSC is considered **high**.

**General Director** **Abdujabbarov Sh.Y..**

**«ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙСИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ**

# «QO'QON BIOKIMYO» AJ
# корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш
# ҲИСОБОТИ

2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабргача бўлган давр учун

Ҳисоботни олдим:

Муратов Азиз Акбарович ___________ ___________
Ф.И.Ш. имзо сана

Тошкент ш. – 2021 г.

| | | | |
|---|---|---|---|
| a | ҳа | 25 | 25 |
| b | йўқ ёки листинг талабларига риоя қилинмаган | -10 | |

**Асос:**

АЖ қимматли қоғозлари биржа котировкаси варағининг "Стандарт" тоифасига киритилган (https://uzse.uz/isu_infos?search_key=UZ7047080005&begin_date=01.04.1994&end_date=).

| 25 | Жамиятнинг йиллик ҳисоботи кузатув кенгаши томонидан (дастлабки тарзда) тасдиқланганми? | Берилиши мумкин бўлган балл | Ҳақиқий жавоб |
|---|---|---|---|
| a | ҳа | 0 | 0 |
| b | йўқ | -10 | |

**Асос:**

АЖ Кузатув кенгашининг 2020 йил 25 майдаги №10 сонли мажлиси кун тартибида кўриб чиқилган ва тасдиқлаш учун АЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

**АЖ корпоратив бошқарувини баҳолаш бўйича йиғма**

**ЖАДВАЛ**

| № | Йўналишлар | Саволлар сони | Берилиши мумкин бўлган баллар | | Ҳақиқий баҳо |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | минимум | максимум | |
| 1 | Корпоратив бошқарув Кодексини жорий қилишга тайёрланиш ҳолатини баҳолаш | 13 | -135 | 135 | 135 |
| 2 | Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилинишини баҳолаш | 37 | -360 | 360 | 320 |
| 3 | АЖ ташкилий тузилмаси мувофиқлигини баҳолаш | 3 | -30 | 30 | 25 |
| 4 | Танлов ўтказилишини баҳолаш | 5 | -45 | 45 | 15 |
| 5 | ХМҲС ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтишни баҳолаш | 3 | -50 | 50 | 50 |
| 6 | Замонавий бошқарув тизимларини жорий қилишни баҳолаш (ISO, ERP, НИОКР ва бошқалар.) | 5 | -55 | 55 | 50 |
| 7 | Ахборот сиёсатини баҳолаш | 5 | -170 | 320 | 279 |
| 8 | Молиявий натижаларни баҳолаш | 4 | -150 | 150 | 0 |
| 9 | АЖ фаолиятининг бошқа йўналишларини баҳолаш | 25 | -205 | 55 | 50 |
| | **Жами** | **100** | **-1200** | **1200** | **924** |

Баҳолаш натижаси фоизда 77%




| | Корпоратив бошқарув Кодексини жорий қилишга тайёрланиш ҳолатини баҳолаш | Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилинишини баҳолаш | АЖ ташкилий тузилмаси мувофиқлигини баҳолаш | Танлов ўтказилишини баҳолаш | ХМҲС ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтишни баҳолаш | Замонавий бошқарув тизимларини жорий қилишни баҳолаш (ISO, ERP, НИОКР ва бошқалар.) | Ахборот сиёсатини баҳолаш | Молиявий натижаларни баҳолаш | АЖ фаолиятининг бошқа йўналишларини баҳолаш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| мак | 135 | 360 | 30 | 45 | 50 | 55 | 320 | 150 | 55 |
| факт | 135 | 320 | 25 | 15 | 50 | 50 | 279 | 0 | 50 |

## 3. ЯКУНИЙ ҚИСМ

Ушбу ҳисобот АЖ корпоратив бошқарув тизими ҳолатини ўрганиш, тахлили ва баҳолаш натижалари ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра **924** балл тўпланди. Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган саволномага асосан АЖнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати **юқори** деб эътироф этилади.

### Тавсия ва таклифлар.

“Қўқон биокимё” АЖнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолатини ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, Марказий депозитарий томонидан қуйидагилар тавсия қилинади:

1. АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини Кузатув кенгаши мажлисида муҳокама қилиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли чораларни кўриш;

2. Баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, Кодекснинг айрим тавсияларига риоя қилинмаётганлиги бўйича «comply or explain» (“риоя қил ёки тушинтир”) принципи асосида эълон (маълумот) чоп этиш;

3. Кузатув кенгаши томонидан ушбу Ҳисоботда кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича қуйидагиларни кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш:

**Корпоратив бошқарув кодексини жорий қилишга тайёрланиш ҳолати юзасидан:**

“Қўқон биокимё” АЖнинг акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомига Корпоратив кодекс тавсияларидан келиб чиқиб ҳамда мазкур ҳисоботда кўрсатиб ўтилган меъёрлар бўйича тегишли қўшимчаларни киритиш.

**Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилиниши юзасидан:**

- "Қўқон биокимё" АЖ томонидан акциядорлар умумий йиғилиши электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда) овоз бериш, шунингдек умумий йиғилишни видеоконференцалоқа усулида ўтказишни тартибга солувчи ҳамда АЖ бошқарув ва назорат органлари маърузаси (ҳисоботи) матни ва шаклларига талабларни белгиайдиган ички тартиб (регламент) ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

**Ижроия орган раҳбари ва аъзоларининг танловини ўтказиш юзасидан:**

- Ижроия орган раҳбари ва аъзоларини танлов ўтказилиши бўйича эълон матнини АЖ сайтида, корпоратив маълумотлар Ягона порталида камида 3 та тилда, шунингдек республика босма нашрларида битта тилда чоп қилиниш;

- Ижроия орган раҳбари ва аъзоларини танлов ўтказиш тартибини АЖ сайтида, корпоратив маълумотлар Ягона порталида 3 та тилда жойлаштириш;

- АЖ Ижроия органи раҳбари танловини ўтказилишини таъминлаш.

**Ахборот сиёсати юзасидан:**

- АЖ сайтида давлат тилида жойлаштирилган маълумот ва ҳужжатларни рус ва инглиз тилларига тўлиқ таржима қилиш ва сайтда жойлаштиришни ва маълумотларни мунтазам янгилаб борилишини таъминлаш;

- Бир йил давомида чоп этиладиган нашриётларда, бошқа трансляция қилинадиган ОАВда, шу жумладан камида 1 та ҳорижда нашр (чоп) қилинган АЖ тўғрисидаги камида 3 та (матн, аудио, видео) материалларни АЖ сайтида жойлаштириш;

- АЖ томонидан фундаментал ва техник таҳлил ўтказиш масалаларини кўриб чиқиш ҳамда унинг натижаларини, мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларнинг шарҳлари ва прогнозларини жамият веб-сайтида эълон қилиш.

**Молиявий натижаларни баҳолаш:**

- АЖ томонидан дебитор қарздорликни камайтириш.

**Узоқ муддатли истиқболга оид ривожланиш стратегияси ва вазифаларни белгилаш мақсадида:**

- Хорижий тажрибада муваффақиятли синовдан ўтган бошқарув услублари, шу жумладан, SWOT, GAP таҳлил ва бошқа ёндашувлар, махсус дастурий маҳсулотлар ва бошқаларни кенг қўллаш;

- Кузатув кенгаши томонидан АЖ бизнес-режасида ва узоқ муддатли стратегиясида белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун ижроия органи, АЖ ички назорат органи, АЖда ташкил этилган коллегиал органлар фаолиятини мунтазам равишда (камида чоракда бир марта) мувофиқлаштириш ва назорат қилиш.

**"Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси" ДК Бош директори** — **Ш. Абдужабборов**

Баҳолашни ўтказган Марказий депозитарий ходимлари:

А.Хамдамов

Б.Хайруллаев